

Шундан хулоса қилиш мумкинки “жиноят содир этилишида гумон қилинаётган шахс” тушунчаси “гумон қилинувчи” тушунчасидан кенгрок. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ЖПКнинг 224-моддаси 1-қисмидаги “гумон қилинувчи” сўзини “ушлаб турилган шахс” сўзига ўзгартириш лозим. Бизнингча гумон қилинувчи - бу суриштирув ва дастлабки тергов босқичи субъекти ҳисобланади. Жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушланаётган шахс ёки жиноят содир этилишида гумон қилинаётган шахс каби субъектлар мавжуд.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Неъматов, Жасур. "Методические рекомендации по оценке доказательств в уголовном судопроизводстве." in Library 20.1 (2020): 3-34.

2. Неъматов, Жасур. "Цель и особенности методологии проведения допроса в уголовном судопроизводстве." Общество и инновации 1.2 (2020): 251-259

С.А.МАХМУДОВ¹

ЖИНОЯТ ИШИНИ ТУГАТИШ ИНСТИТУТИ ТУШУНЧАСИ

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида жиноят-процессуал қонунчилигини либераллаштириш ҳамда такомиллаштириш устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Мазкур вазифани ҳаётга татбиқ этиш ҳамда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришнинг мутлақо янги устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини

такомиллаштириш Концепцияси^{CLXXI CLXXII} қабул қилинди.

Мазкур Концепцияда жиноят ва жиноят процессидаги айрим институтларни такомиллаштириш вазифаси белгиланган эди. Жиноят ишини тугатиш институти ҳам шулар жумласидандир. Зеро, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш давлатнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, тинчлик ва хавфсизликни ишончли ҳимоя қилиш бўйича устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шунга кўра, жиноят процессида “жиноят ишини тугатиш” институтини тадқиқ этиш ҳамда унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мазкур институтни такомиллаштиришнинг янгича методологик асосларини яратиш муҳим аҳамиятга эга.

Амалдаги қонунчилик ҳужжатларида жиноят ишини тугатиш тушунчасининг норматив-ҳуқуқий таърифи мавжуд эмас. Шундай бўлса ҳам, бир қанча олимлар ушбу тушунчанинг мазмун-моҳиятини назарий жиҳатдан тушунтиришга ҳаракат қилишган.

Хусусан, рус олими В.М. Корнуковнинг фикрича, “жиноят ишини тугатиш институти ҳам моддий, ҳам процессуал характердаги муаммоларни ҳал қилишга мўлжалланган универсал воситадир”¹.

Ушбу фикрни таҳлил этадиган бўлсак, аввало, жиноят ишини тугатиш учун моддий ҳуқуқда асослар бўлиши лозим (амалдаги Жиноят кодексида жиноят ишини тугатиш асосларининг аксарияти белгиланган). Моддий ҳуқуқда асослар бўлмасдан туриб, процессуал нормаларга асосан ишни тугатиш маълум қийинчиликларни юзага келтиради.

Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси биринчи қисмининг 8-бандида “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида шахснинг ўз қилмишига амалда пушаймон бўлганлиги туфайли ёхуд белгиланган муддат ичида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланганлиги ва (ёки) жиноят оқибатлари бартараф этилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиниши назарда тутилган бўлса” жиноят ишининг тугатилиши мумкинлиги белгиланган.

^{CLXXI} Тошкент давлат юридик университети Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси ўқитувчиси

^{CLXXII} Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ- 3723-сон қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 й., 07/18/3723/1225-сон.

Бироқ, мазкур норма Жиноят кодекси умумий қисмида жавобгарликдан озод қилиш асосларидан бири сифатида назарда тутилмаган. Бу эса, ҳуқуқни қўллаш амалиётида жиноят ишини мазкур асос бўйича тугатишда қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Сабаби, Жиноят кодекси Махсус қисми нормалари Кодекснинг Умумий қисми нормаларига асосан шакллантирилган.

О.В. Мичурин ва С.Н. Перетокин^{CLXXIII CLXXIV} жиноят ишининг тугатилиши терговнинг якуний босқичи эканлиги, унда ишнинг натижалари чиқарилиши, терговчининг ички ишончи шакллантирилиши ва ишнинг ҳар бир ҳолати процессуал ҳужжатларда ифодаланганлигини, иш бўйича тўпланган ҳар бир далиллар учун бўшлиқлар ва зиддиятлар аниқланишини қайд этишган.

Мазкур масалани миллий қонунчилигимиз бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, мазкур олимларнинг фикрлари билан тўлиқ келишиб бўлмайди. Чунки жиноят ишининг тугатилиши барча ҳолатларда суриштирув, тергов ёки суднинг якуний босқичи бўлмайди.

Жиноят ишининг тугатилиши суриштирув, тергов ёки суднинг якуний босқичи бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Бунда жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарор устидан шикоят (протест) берилган ёки берилмаганлигига қараб унинг якуний босқич ёки якуний босқич эмаслигини фарқлаш мумкин.

Фикримизни асослашга ҳаракат қиламиз: агарда жиноят иши тугатилганидан сўнг, ишни юритишдан манфаатдор бўлган шахслар томонидан шикоят ёки протест келтирилмаган бўлса, жиноят ишининг тугатилишини суриштирув, тергов ёки суднинг якуний босқичи сифатида қабул қилиш мумкин.

Шу билан бирга, жабрланувчи гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган ҳамда бунинг натижасида жиноят иши суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилган тақдирда ҳам жиноят ишининг тугатилишини суриштирув, тергов ёки суднинг якуний босқичи сифатида қабул қилишимиз мумкин. Сабаби, жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ ярашув суд томонидан тасдиқланган тақдирда жабрланувчи

^{CLXXIII} Корнуков В.М. Российский уголовный процесс. Вопросы Особенной части: курс лекций.

Саратов,
С. 88-89.

2010.

^{CLXXIV} Мичурина О.В., Перетокин С.Н. Обеспечение законности и обоснованности прекращения уголовного дела // Российский следователь. 2016. № 7. С. 26.

ёки унинг қонуний вакили ярашув тўғрисидаги иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш ҳақида илтимоснома бериши мумкин эмас. Бироқ, жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор ёки ажрим устидан шикоят берилган тақдирда мазкур шикоят тегишли тартибда кўриб чиқилади ва мазкур жараён, маълум маънода, иш юритишнинг давом эттирилиши сифатида кўрилиши мумкин.

Процесс иштирокчилари ва бошқа шахслар, шунингдек жиноят ишини юритишдан манфаатдор бўлган корхона, муассаса ва ташкилотларнинг вакиллари Жиноят-процессуал кодексида белгилаб қўйилган тартибда ва муддатда терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суднинг процессуал ҳаракати ёки қарори устидан шикоят беришга ҳақлидир^{CLXXV}.

Жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган тақдирда гумон қилинувчи, айбланувчи, ҳимоячи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари, иш корхона, муассаса, ташкилот ёки фуқаронинг берган хабари билан қўзғатилган бўлса, шу корхона, муассаса, ташкилот вакили ёхуд фуқаро ушбу қарор устидан прокурорга шикоят қилиш ҳуқуқига эга ҳамда уларнинг мазкур ҳуқуққа эга эканлиги жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги қарор чиқарилиши билан тушунтирилади.

Манфаатдор шахсларнинг жиноят ишини юритишни тугатиш тўғрисидаги қарор устидан берган шикояти кўриб чиқилиб, қарор бекор қилинган тақдирда иш юритиш умумий тартибда давом эттирилиши мумкин.

Шу сабабдан ҳам, бизнингча, жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқарилишини барча ҳолатларда ҳам иш юритишнинг якуний босқичи сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас.

Рус олими С.А. Филимоновнинг фикрига кўра, жиноят ишини тугатиш - бу суриштирувчи, терговчи ёки суднинг (судьянинг) жиноят иши юзасидан қабул қилинган, иш бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги ёки шахснинг жиноят содир этилишига алоқадор эмаслиги тўғрисидаги процессуал қароридир^{CLXXVI}.

С.А. Филимонов иш юритишни тугатишнинг тегишли мансабдор шахс томонидан иш юритилаётган масала бўйича жиноят

^{CLXXV} Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон.

^{CLXXVI} Филимонов, С.А. Прекращение уголовного дела и уголовного преследования по реабилитирующим основаниям: Автореф. дисс.. канд. юрид. наук. Краснодар, 2009. - С. 28. 146

иши бутунлай ёки унинг бир қисми тугатилиши ёхуд муайян жиноят иши бир неча шахсларга нисбатан юритилаётган бўлса уни юритиш айти бир шахсга нисбатан тугатилиши мумкин.

Шунингдек, шахснинг жиноят содир этилишига алоқадор эмаслик ҳолати жиноят ишини тугатишнинг барча асосларига тўғри келмайди. Чунки жиноят ишини тугатишнинг аксарият асосларида (реабилитация асосларидан ташқари) шахс жиноят содир этилишида бевосита иштирок этиши орқали унинг содир этилишига алоқадор бўлади.

А.С. Барабаш, Л.М. Володина ҳамда С.А. Шейферларнинг баён этишича, жиноят ишини тугатиш кўп қиррали ҳодиса ҳисобланиб, жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясида процессуал ҳаракат шаклларида бири сифатида кўрилмоғи лозим. Ушбу олимларнинг фикрича, жиноят ишини тугатиш дастлабки терговни тугатишни назарда тутадиган юридик факт бўлиб, шахсларнинг асоссиз

равишда жиноий жавобгарликка тортилишининг процессуал кафолати ҳисобланувчи мустақил юридик институтдир¹.

Бизнингча, мазкур таърифда жиноят ишини юритишнинг дастлабки терговни тугатиш сифатида таърифланиши кўриб чиқиладиган тушунча мазмунининг тор доирада шарҳланиши ҳисобланади.

Сабаби, жиноят ишини тугатиш института, нафақат дастлабки терговда, балки жиноят ишини юритишнинг барча босқичларида қўлланилиши мумкин. Бунда, ягона истисно сифатида ҳукми ижро этиш босқичини кўрсатишимиз мумкин. Зеро, мазкур босқичда жиноят ишини юритишни тугатишга оид нормаларни қўллашга йўл қўйилмайди.

А.Я. Дубинский ҳам, юқорида санаб ўтилган айрим олимлар каби, жиноят ишини тугатиш институтини дастлабки терговнинг охириги босқичи сифатида таърифлайди. Унинг қад этишича, мазкур босқичда жиноят иши бўйича амалга оширилган процессуал ҳаракатларнинг натижалари сарҳисоб қилинади ҳамда иш юритишни тугатиш билан боғлиқ бир қатор янги процессуал ҳаракатлар амалга оширилади^{177 178}.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Неъматов, Жасур. "К проверке и оценке доказательств при применении института соглашения о признании вины в уголовном судопроизводстве." in Library 20.3 (2020): 75-76.

2. Неъматов, Ж. "Уголовно-правовые проблемы борьбы с организованной преступностью по законодательству Республики Узбекистан." Российская юстиция 8 (2006): 64-66.

3. Неъматов, Жасур. "Цель и особенности методологии проведения допроса в уголовном судопроизводстве." Общество и инновации 1.2 (2020): 251-259.

¹⁷⁷ Барабаш А.С., Володина Л.М. Прекращение уголовных дел по нереабилитирующим основаниям в стадии предварительного расследования. Томск, 1986. С. 37; Шейфер С.А. Прекращение дела в советском уголовном процессе: автореф... дис. ... канд... юрид. наук. М., 1963. С. 4-5.

¹⁷⁸ Дубинский А.Я. Прекращение уголовного дела в стадии предварительного расследования. Киев, 1975. С.25